

## Ижтимоий тармоқларнинг ёшлар тарбиясига салбий таъсирини бартараф этиш йўллари

**Рахмонбердиев Давлатбек Ўктам ўғли**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети  
Тарих факултети Ўзбекистоннинг энг янги тарихи кафедраси  
ўқитувчиси

Бугунги кунда интернет жаҳон ахборот тармоғидан эркин фойдаланиш учун шароит яратиши билан бирга, ҳар кимнинг турли ахборотларни эркин олиш, ундан фойдаланиш ва тарқатилишини ҳам таъминлайди. Бироқ, интернет орқали тарқалаётган ахборотлар орасида ёшлар маънавиятига салбий таъсир ўтказувчи маълумотлар ҳам талайгина. Шу боис бундай носоғлом ахборотлар таъсиридан ёшларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган.

Миллий қонунчилигимизда ҳам ёшларни носоғлом ахборотлардан ҳимоялашнинг асослари мавжуд. Жумладан, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда “Порнография, шафқатсизлик ва зўравонликни намойиш этувчи, инсон қадр-қимматини таҳқирловчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлувчи оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, адабиётларни тарқатиш ҳамда фильмларни намойиш этиш тақиқланади<sup>1</sup>” деб белгилаб қўйилган.

Шу билан биргаликда ёшларнинг соғлиғига турли хил зарар етказувчи ахборотлардан ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрь куни “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ–444-сонли Қонуни<sup>2</sup> қабул қилинган. Шу билан биргаликда ёшларнинг соғлиғига турли хил зарар етказувчи ахборотлардан ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрь куни “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ–444-сонли Қонуни қабул қилинган. Ёшлар кейинги пайтларда ижтимоий тармоқларни нафақат бир мулоқот воситаси, балки уни “хобби” даражасига

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни 16 модда. Халқ сўзи. 2008. 8 январь.

<sup>2</sup> “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ–444-сонли Қонуни

кўтаришмоқда ва тобора оммалаштиришмоқда. Бунга сабаб сифатида кейинги йилларда интернет хизматининг кескин арзонлашиши, замонавий мобил телефонлар оммалашуви натижасида мобил алоқа компанияларининг қулай интернет хизматларини таклиф этишини, турли кучли ўзига жалб эта олиш хусусиятига эга бўлган ижтимоий тармоқлар сонининг кўпайишини кўриш мумкин.

Ёшларнинг ижтимоий тармоқлар жумладан, интернет клублардан самарали фойдаланишини ташкил этиш мақсадида жойларда тунги ва кундузги рейдлар ўтказилмоқда. Бироқ, ушбу рейдларнинг ҳам аксарияти номига, хўжакўрсинга ўтказилмоқда. Юқоридагилардан келиб чиқиб, тизимли равишда интернет клубларида назорат тадбирларини олиб бориш лозим саналади.

Айни пайтда ёшларимиз қайси сайтлардан фойдаланаётганлигини аниқлаш ва бу борада иш олиб боришни муҳим, деб биламиз. Бу фикрнинг нақадар жиддий асосга эга эканлигини интернетда мавжуд салбий ва зарарли сайтлар, яъни ўз-ўзини ўлдириш–худкушликнинг осон йўллари тарғиб этувчи сайтлар қарийб 10 мингга яқинлашганини, шундан кўпчилиги террорчилик ва экстремистик сайтлар, қарийб 5 минг эротик сайтлар ва бошқа тарбияга зид сайтлар кўпайганлиги ҳам тасдиқлайди.

Статистик маълумотларга қараганда, Россияда ҳар бир фойдаланувчи бир кунда ўзининг 10,4 соат, Англияда 5,3 соат, Туркияда 7,8 соат, юртимизда эса тахминан 6 соат вақт сарфляпти. Афсуски, мазкур гапнинг кесими ёнига “беҳуда” сўзини қўшиб қўйиш, ёки уни “исроф қилган” жумласига айлантириш ҳам мумкин.

Ижтимоий тармоқларнинг бугунги кундаги инсонлар ҳаётидаги энг катта салбий жиҳати кўп тинч-тотув оилалар барбод бўлиб кетаётганидир.

“Санк-Петербургда таҳлил маркази” мутахассислари ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, ажрашган оилаларнинг 15 фоизи ижтимоий тармоқларни сабаб қилиб кўрсатмоқда. Шундай экан, интернет ва ижтимоий тармоқларга боғланиб қолиш ва ундан мунтазам фойдаланиш доим ҳам яхшиликка олиб келмайди.

Яна бир “Галлуп” тадқиқот агентлиги келтирган маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда АҚШ ва Канададаги эр-хотин ажрашишининг ҳар учинчи ҳолатига ижтимоий тармоқ сабаб бўлмоқда. Афсуски, ушбу кўрсаткич ўсиш тенденциясини намоён этмоқда.

Ёшлар ўртасида ижтимоий тармоқларга муккасидан кетиш Соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассислари томонидан – бу янги “чекиш” эканлиги

таъкидланган. Интернетда узок вақт давомида ўтириш одати келтириб чиқарадиган хасталиклар, улар оқибатида ҳар йили қанча одам вафот этишини ҳисобга олса бу соғлиғимиз учун жиддий таҳдидлардан бири ҳисобланади.

Бироқ ҳозирги вақтда кўп сонли одамларни зомбига айлантирган (ижтимоий тармоқлардан узоқлаша олмаслик) руҳий хасталик янада кўпроқ зарар келтиради. Ижтимоий тармоқларга боғланиб қолиш яхшиликка олиб келмаслиги ҳақида Insider Pro нашри ҳикоя қилади<sup>3</sup>.

Америка педиатрлар академияси ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш болалар ва ўсмирлар соғлиғида интернетдаги таҳдидлар ва

Facebook-депрессия каби салбий оқибатларга олиб келиши ҳақида огоҳлантиради.

Ноттингем Трент университети олимларининг тадқиқотларига кўра ижтимоий тармоқларга боғланиб қолиш синдроми шахсий ҳаётдан қочиш, бутун эътиборни ижтимоий тармоқларга қаратиш, ҳақиқатдан узоқлашиш, кайфиятнинг кескин тушиши, реал ҳаётдан узоқлашиш истагини яшириш каби қарамликнинг барча белгилари кузатилади.

Бугунги кунда дунё миқёсида жумладан Ўзбекистонда ҳам ёшлар ўртасида психотроп дори воситаларини истеъмол қилиш каби салбий ҳолатлар сони ортиб бормоқда. Бундан фойдаланган “тадбиркорлар” ушбу дори воситаларига мижоз топишда ҳам ижтимоий тармоқлардан фойдаланишмоқда.

Бунинг ортидан маълумотларга кўра, охириги тўрт йилда кучли таъсир қилувчи препаратлар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмаси ҳажми ортиб борган. Хусусан, 2017 йилда 58 мингта “дорихона наркотиклари”нинг ноқонуний савдосига чек қўйилган бўлса, 2020 йилда

365 мингта таблетка ва бошқа гиёҳванд воситалари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан олиб қўйилган ҳамда уларнинг аксарияти ижтимоий тармоқлар орқали савдо-сотик ишларини амалга оширмоқчи бўлишган.

Бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш борасида ҳам мамлакатимизда қатор ишлар олиб борилмоқда, бироқ, қонунчилигимиздаги бўшлиқларнинг мавжудлиги ҳам кўзга ташланиб, қолаётганлиги жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонун<sup>4</sup>да “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар рўйхатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

<sup>3</sup> Интернет маълумоти <https://ritual.ru/poleznaya-informacia/articles/smert-v-socsetyah/>

<sup>4</sup> “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонун

томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади ва матбуотда эълон қилинади” дея акс этган. Бироқ, бугунги кунда матбуотда ёки ижтимоий тармоқларда ушбу моддаларнинг номларининг очикчасига айтилиши натижасида билиб-билмасдан ушбу воситаларни ёшлар томонидан излаб топилиши ва истеъмол қилиш ҳолатлари ортиб бораётганлиги сабабли (антипропаганда) ушбу воситалар рўйхатини матбуотда эълон қилишни чеклаш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, жамоат жойларида ижтимоий тармоқлар орқали (А.Навоий ҳайкали олдида “Маска қани бобой”, А.Темурга “Карантин қачон тугайди” каби мисоллар) ёшлар томонидан ота-боболаримиз устидан қастдан қулиш каби салбий ҳолатлар учрамоқда. Ушбу салбий ҳолатларни содир этаётган ёшларга Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг “Жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик” (183-модда. Майда безорилик) тартибда жазо чораси қўлланилмоқда. Бироқ, юқоридаги каби ҳолатларда улкан тарихимизга ҳурматсизлик, тарихда буюк ишларни амалга оширган

ота-боболаримиз қолдирган бой маънавий меросни устидан қастдан қулиш каби ҳолатларнинг мавжудлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 277-моддасига асосан белгиланган тартибда жиноят иши очиш амалиётини қўллаш, ёки МЖ кодексининг 183-моддаси тартибда маъмурий қамоқ жазосини бир ҳафтадан бир ой ёки уч ой қамоқ жазоси билан алмаштириш таклиф этилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ёшлар ишлари агентлиги, Республика маънавият-маърифат маркази томонидан буюк ота-боболаримиз Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Амир Темур ва бошқа улуғ алломаларимизнинг имижини тасвирлаган стикерлар тайёрлаш, расмий каналларда улар тўғрисида овозли чатлар ташкил этиш, ушбу алломалар тўғрисида кичик роликлар тайёрлаш ва ижтимоий тармоқларга жойлаб бориш ишларини амалга ошириш лозим.

Маданият вазирлиги томонидан ёшларнинг энг кўп вақти тармоқларда ўтишини инобатга олиб, тарихий фильмлар яратиш бўйича махсус платформалар ишга тушириш ва улуғ бобокалонларимиз ҳақидаги фильмларни кўпайтириш лозим бўлади.

Ижтимоий тармоқларда яна бир авж олиб бораётган салбий ҳолатлардан бири бу тармоқлар орқали одамлар ишончига кириб пул ўмариш ва моддий бойликларга эга чиқиш ҳолатларидир. Мисол учун биргина Тошкент

шаҳрининг Чилонзор туманида ўтган бир йил ичида 400 га яқин шунга ўхшаш жиноятлар содир этилган.

Мамлакатимизда илк бор “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан тасдиқланди ва Қонун билан бу фаолиятни тартибга солиш Давлат хавфсизлик хизматига топширилмоқда ва ўйлаймизки бу каби ҳолатлар сони камаяди.

Қайд этиш жоизки, ҳамма одамлар, шу жумладан ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари ҳам бу оламни тарк этади. Инсон вафот этганида унинг интернет саҳифаси қолади. 2012 йилга келиб Facebookда ўлганлар сони

30 миллионга етган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич анча юқори. Тахминларга кўра, Facebookда бир неча ўн йилликлар ичида ўлганлар сони тирик фойдаланувчилар сонидан ошиб кетади.

Замонавий технологиялар ҳаёт ва ўлим масалаларига таъсир қилади ва янги имкониятлар очади. Улардан баъзилари баҳсли кўриниши мумкин, масалан, Eterni.me лойиҳаси. Ушбу платформа орқали вафот этган шахслар билан виртуал ёзишмалар қилиш имкони мавжуд ҳамда Eterni.мнинг асоси ижтимоий тармоқлар ва кириш мумкин бўлган бошқа порталлардаги шахснинг ёзувларини таҳлил қилувчи алгоритмдир.

Юқоридаги икки ҳолатдан билиш мумкинки, ижтимоий тармоқлардаги “ўлик” профилларнинг сақланиб қолиши ва автоматик хабарларнинг янгилаб борилиши, шунингдек, виртуал оламда вафот этганлар билан мулоқот қилиш тизимининг яратилганлиги истасак-истамасак ёшларнинг эмотционал ва руҳий ҳолатига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Шу сабабли Ахборот ва телекоммуникациялар тизимидаги барча тегишли идоралар назорати остида Facebook тизимида мавжуд бўлган хотира тизимини ёқиш, ёки уни бошқа яқин қариндошларга ўтказиш орқали профилни инсон вафот этгандан кейин ёпиш ишларини амалга ошириш лозим.

Бундан ташқари, бугунги кунда интернет ва ижтимоий тармоқлар ўз жонига қасд қилиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатларга таъсир қилиши мумкинлиги ҳақида жиддий далиллар мавжуд. Бундай далиллар график таркибга таъсир қилишнинг кўпайишини, шунингдек, кибербуллингнинг пайдо бўлиш имкониятини ўз ичига олади. Кейинги ўн йил ичида кибербуллинг ўз жонига қасд қилиш ва ўз жонига қасд қилишга олиб келди. 2020 йил апрель ойида Миллий Соғлиқни сақлаш статистикаси маркази (НПҚС) томонидан ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатдики, ўз жонига қасд қилиш 10 ёшдан 34 ёшгача бўлган АҚШ фуқаролари ўлимининг иккинчи асосий сабабидир.

Шунингдек, Япониянинг Токио шаҳрида 2017 йилда Тахакиро Сираиси исмли 27 ёшли шахс интернет сайтлари орқали ёшлар орасида ўз жонига қасд қилиш амалини кенг тарғиб қилиб, 15-26 ёшдаги 9 нафар қизларнинг миясини заҳарлаган ва уларнинг умрига зомин бўлган.

Россиянинг ижтимоий тармоқлар ва мессенжерларнинг профессионал фойдаланувчилари ассоциацияси мутахассислари тадқиқот ўтказиб, TikTok’да ўсмирлар ўртасида ўз жонига қасд қилишни тарғиб қилувчи “кўк кит” мавзусига тегишли 1,7 мингга яқин видеони топганлигининг ўзидан ҳам ижтимоий тармоқларнинг бу борадаги таъсирини кўришимиз мумкин. Бунинг ортидан Россия ОАВни назорат қилувчи федерал хизмат (“Роскомнадзор”) томонидан TikTok’да бундай видеороликларнинг тарқалгани тасдиқланиб, кузатувчи органларнинг аралашувидан сўнг ижтимоий тармоқ ушбу контентларни тармоқдан олиб ташлаган.

Бундан ташқари, тадқиқотимиз давомида бир қатор интернет саҳифаларида ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш юзасидан чоп этилган хабарлар ўрганилганда хусусан, 2016 йилнинг 22 февралидан

2022 йилнинг 8 январ кунига қадар биргина Qalampir.uz нашри томонидан жами 60 та хабар ва маълумотлар ушбу ҳолатни бевосита тарғиб қилиши мумкин бўлган фотолар билан биргаликда жойланган. Бу рақам Darvo.uz Telegram саҳифасида 2017 йилдан 2022 йилга қадар 96 тани ташкил қилди.

Ижтимоий тармоқ ўзини намоён этишда ҳам ҳар қандай ахлоқий принципларни инкор этиш мумкин (мисол учун, бериладиган ижтимоий тармоқ анкеталарига беҳаё шахсий суратларини қўйиши мумкин). Шу ўринда статистик маълумотларга таяниб гапирганда, “Facebook” тармоғи орқали шунчалик кўп порнографик видео ва фото тасвирлар тарқатилар эканки, бу 176 млн Facebook фойдаланувчиларининг ҳар бирига кунига 3 дақиқадан тўғри келади.

Ўзбекистонда ҳамкузатувчиларига эга бўлган You Tube, Telegram, Facebook, Instagram, Tik tok каби ижтимоий тармоқларда хаттоки хусусий телеканалларда ҳам турли парнографик кўринишларнинг ортиши ортидаги ҳолатлар ижтимоий тармоқларда турли муҳокамаларга сабаб бўлди.

Мисол учун, яқиндагина “Sevimli” телеканали орқали эфирга узатилган “Сабрия” фильми ва унинг ортидан келиб чиққан турли машмашалар ижтимоий тармоқлар орқали кенг муҳокамаларга сабаб бўлди ва ушбу телеканал масъулларига нисбатан тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан ўрганиш ишлари олиб борилмоқда. Бироқ, ушбу телесериалда акс этган ахлоқсизлик сахналари айнан тармоқларда эълон

килингандан сўнг Google майдонида энг кўп қидирилган ва kun.uz интернет нашрида эълон қилинган мавзуга оид биргина мақоланинг ўзи

76 837 мартаба кўрилган. Бундан билиш қийин эмаски, шу каби ижтимоий тармоқлар орқали дастлаб муҳокамага сабаб бўлаётган воқеалар ёшлардаги унга бўлган “қизиқиш”нинг ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Интернетнинг инсонлар онгини эгаллаш борасидаги жиҳатларни биргина яқиндагина Қозоғистон Республикасида бўлиб ўтган газ нархининг ошишидан келиб чиққан халқ кўзгалонидан ҳам билиш мумкин.

Кичик бир ҳудудда бошланган бу ҳаракат фаоллари томонидан ижтимоий тармоқлар орқали чиқишлар қилиб борилди ва бунинг натижасида бир неча минг аҳоли бошқа бутун мамлакат ҳудуди бўйлаб ўз тарафдорларига эга бўлди. Натижада Қозоғистон давлат ҳукумати томонидан мамлакатда интернетни чеклашга мажбур бўлди.

Сўнги йилларда катта аудиторияга эга гуруҳ, канал (аккаунт) эгалари томонидан аҳолига бадиий ижод маҳсулотларини тақдим этишда, мулоқотда амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари ва одоб-ахлоқ меъёрларига тўлақонли риоя этилмаётгани оқибатида фуқароларнинг асосли эътирозлари юзага келмоқда. Бу каби ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари орасида таниқли инсонлар, депутатлар, санъат ва маданият ходимлари хаттоки дин уламоларининг ҳам борлиги ачинарлидир.

Мисол учун, 2020 йилнинг 4 май куни Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонованинг ички ишлар органлари ходимларини ҳақорат қилгани, шунингдек, очикчасига карантин қоидаларини бузгани акс этган видеолар тарқалган. Бу ҳаракатлар ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг эътирозларига сабаб бўлган ва бу ёшлар тарбиясига ҳам ўзининг катта салбий таъсирини ўтказмасдан қолмади. Шу каби таниқли шоу-бизнес вакиллариغا Жаҳонгир Отажонов, Луиза Расулова, Муниса Ризаева, Халима Ибрагимовалар, турли кулги жамоаларини ҳам мисол сифатида кўрсатиш мумкин.

Бунданга ёмони Бозоров Миразиз исмли блогер томонидан

2021 йилнинг 28 март куни ўзининг ижтимоий тармоқларида Тошкент шаҳридаги “Ҳазрати Имом” масжиди олдида ва Амир Темур хиёбонида ноанъанавий жинсий қарашларга эга шахслар томонидан оммавий намойишлар ўтказиш бўйича чақириқ билан чиққан. Шу вақтнинг ўзида у ерда ЛГБТга қарши акция бўлиб ўтган. Ўнлаб эркаклар Форумлар саройи қаршисида йўлнинг ҳаракат қисмида такбир айтиб юришган. Юқоридаги каби салбий ҳолат ортидан кўплаб ёшларда шу каби хатти-ҳаракатларни содир

этсак бўлар экан деган тушунча пайдо бўлиши ортидан уларнинг маънавий камолотига зарар етказилганлиги айни ҳақиқатдир.

Ахборот маконида манфаатларнинг тўқнашуви боис, бу ҳол ғаразли кучлар қўлида геосиёсий, бузғунчилик ва бошқа ёвуз ниятларини амалга ошириш курали бўлиб қолди. Шундай экан, халқаро миқёсда ва мамлакатимизда ахборот хавфсизлигига доир кўшимча чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва уларнинг мунтазам амалга оширилиши жуда муҳимдир.

Шу билан баргаликда, инсон ўз иродаси, иймон-эътиқоди ва одоб-ахлоқини кучайтириб бориши зарур. Бунинг учун эса шонли тарих, буюк алломалар ўғитлари, аждодларимиз панду насиҳатларини ўрганиш, миллий-маънавий ва диний манбаларда инсонни эзгулик ва камолотга чорловчи таълимотларни ўзлаштириши керак.

Ёшлар бугунги кунда юртимизда барқарор бўлган тинчлик ва оқилолликнинг қадрига етиб, бу неъматни кўз қорачиғидай асраш мақсадида, тинмай ўқиш ва изланишда бўлишлари керак. Ёшлардан доим огоҳлик ва зийраклик талаб этилади.

Демак, бугунги кунда энг муҳим вазифа ўсиб келаётган ёш авлодни диний-миллий қадриятлар асосида тарбиялаш, улар қалбида ўз халқи, Ватанига меҳр-садоқат туйғусини кучайтириш, уларни ҳар хил бузғунчи кучларнинг ахборот хуружларидан огоҳ этиш, муносиб ҳимоя қилишдан иборатдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон. 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги 439 - II сонли Қонун.12.12.2002.
3. Ўзбекистон Республикасида “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Президент қарори 560-II-сон. 11.12.2003.
4. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни 16 модда. Халқ сўзи. 8.01.2008.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сонли Қонун. 14.09.2016.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-444-сонли Қонуни. 8.09.2017.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сонли қарори 14.08.2018.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари”га йўллаган байрам табриги. 2019.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020.

10. Ўзбекистон Республикасининг “2021 - 2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6255-сонли Фармон.01.07.2021.

## II. Асосий адабиётлар

11. “Янгиланаётган жамиятда ёшларнинг ижтимоий фаоллиги: муаммо ва ечимлар” Республика илмий-амалий конференция мақолалар тўплами.-Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2020.

12. “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш стратегияси: мавжуд вазият ва ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги илмий-амалий конференция мақолалар тўплами. Тафаккур бўстони нашриёти, 2019. – 169-170-бетлар.

13. Маматқулов А. “Ўқувчи-ёшлар ўртасида интернет ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданиятини шакллантириш”. Қўлланма.-Т.: 2020.– 5-9-бетлар.